



# Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 5-sentabr. Payshanba • 107 (31.697)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Бугун Тошкентда ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг «Ёш сиёсатчи — 2013» танловининг республика босқичи бошланади

## БЎЛҒУСИ ДЕПУТАТ, ЕТАКЧИ, СИЁСАТЧИЛАР

билим ва маҳорат синовига тайёр



Сингапур ШОТЛУДАНОВ олган сурат.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 380 минг аъзоси бор. Уларнинг 30 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Партия ташкилотлари партиямиз сафидаги йигит-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, билимларини мустаҳкамлаш, уларда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуларини шакллантириш борасида кенг қамровли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса, олти йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» танлови партиянинг ёш фаоллари сафини кенгайтириш, улар орасидан бўлғуси етакчилар, депутатларни профессионал жиҳатдан тайёрлаб боришга хизмат қилиб келмоқда.

Танловнинг бу йилги туман, шаҳар ва вилоят босқичлари жуда қизгин беллашувлар асосида ўтди. Уларнинг натижаларига кўра, 14 нафар энг билимли, зукко, ҳозиржавоб ёш сиёсатчи кўрик-танловнинг вилоят босқичида ғолиб чиқиб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Кеча улар Тошкент шаҳрига етиб келишди. «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари, танлов катнашчилари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб, ЎзХДП фракци-

яси аъзолари билан учрашишди, парламент фаолияти, қонун ижодкорлиги жараёни билан танишишди. Уларни қизиқтирган саволларга депутатлар батафсил жавоб беришди. Шунингдек, партиямизнинг ёш фаоллари пойтахтимиздаги Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройи, Маърифат маркази ва Симпозиумлар саройи, «Бунёдкор» футбол стадионида ҳам бўлишди.

Бугун танлов иштирокчилари беллашувларни бошлайди. Танлов эртага давом этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## Лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мазкур комиссия аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатни жадал ривожлантиришнинг бугунги шароитида ННТлар Президентимиз Ислам Каримовнинг қўллаб-қувватлаши натижасида демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинлиги, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда. Фуқароларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратиш, жамиятда манфаатлар тенглигини таъминлашга ёрдам бераётир. Мазкур жараёнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси муҳим ўрин тутмоқда. Улар ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини такомиллаштиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ижтимоий аҳамиятга эга дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағ ажратмоқда.

2008-2013 йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат бюджетидан давлат субсидиялари, ижтимоий буюртмалари ва грантлари шаклида 30 миллиард сўм миқдорида молиявий ёрдам олди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидовнинг қайд этишича, ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жорий йил 10 июндан 15 июлга бўлиб ўтган иккинчи

танловда давлат грантларини олиш учун тақдим этилган лойиҳаларини кўриб чиқиш муҳим масалалардан бири бўлди.

Тадбирда давлат грантини олиш учун «Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларни ободонлаштиришни яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларини ҳал этишда аҳоли ҳамда ННТлар фаоллигини ошириш» танлови якунлари бўйича 48 лойиҳани амалга оширишга 690 миллион сўм ажратишга қарор қилинди.

Парламент комиссияси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ёшларни иш билан таъминлашга қўмлашувчи марказ ва бошқа ёшлар ташкилотлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратди. Бу борада касб-хунар коллежларини битирган йигит-қизларни ишга жойлаштиришга қаратилган қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётгани қайд этилди.

Шунингдек, Парламент комиссияси ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан тегишли танловда иштирок этиш учун тақдим этилган 120 дан ортиқ лойиҳани кўриб чиқди. Ўрганишлар натижасида аҳамиятли деб топилган 43 лойиҳа танлаб олинди ва уларни амалга ошириш учун 600 миллион сўм ажратилди.

Мамлакатимизда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари экологик маданиятини ошириш ва бандлигини таъминлаш, уларнинг даромад манбаларини кўпайтириш, таълим сифатини янада яхшилашга қўмлашувчи, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш, қўшимча касб эгаллаши, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, экологик барқарорликка эришиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган 359 лойиҳа амалга оширилаётир. Ушбу лойиҳаларнинг барчаси Парламент комиссияси томонидан қўллаб-қувватланди ва 2012-2013 йилларда бунинг учун 5 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилди. Йиғилишда яна 101 лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун 1 миллиард 290 миллион сўм ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,  
ЎЗА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

## БУЮК БУНЁДКОРЛИКЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети магистратура босқичида ўқийман. Таътил мен учун ҳақиқий байрам. Сабаби, оёғим уйга, қалбим гўзал диёрга бошлайди. Янгилашни кўришга шошиламан. Ҳар гал Қорақалпоғистоним ажайиб совға ҳозирлайди. Ўз чиройини кўз-кўз қилади. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Нуқсдаги янги аква парк реконструкция қилинибди. Марказий бозор эса мени жуда ҳайратлантирди. Айниқса, гиламдай тўшалган текис кўчалар манзилимга тезда элди. Энди айтингчи, шундай гўзалликни кўриб, билиб туриб севинмай, Фахрланмай, юрда юрт соғинчи билан яшамай бўладими? Фахру ифтихорим Қорақалпоғистоним, қудратли қалъам Нуқсум. Қаерга борсам ҳам сени меҳринг мени ўзига тортиб туради.



Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати, ЎзХДП фаоли.

Қумар БЕГНИЯЗОВА,

→ 2

Олим РАВШАНОВ, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши депутати, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:



— Аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиши ва барқарор янги иш ўринлари яратилишида ҳудудлар ҳамда соҳаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ дастурларнинг ўз вақтида, самарали ижро этилиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шунинг учун мазкур дастурлар маҳаллий вакиллик органларининг доимий эътиборида бўлиши, депутатлар дастурлар бажарилиши мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб бориши зарур.

Бу халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари йиғилишлари, сессиялар қизгин баҳс-мунозара, таҳлилий фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида ўтишига замин яратади. Натижада сиёсий партиялар ўз вакиллари орқали ҳудудларни ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш жараёнларида фаол иштирок этади.

2013 йил — Обод турмуш йили

## Маҳаллада ёшлар маркази

Бухоро вилоятининг Гиждувон тумани «Дегрезон» маҳалла фуқаролар йиғинида Ёшлар маркази биноси фойдаланишга топширилди.

Марказ замонавий жиҳозланган. Интернет клуб, тикувчилик цехи, «Дизайн» сервис хизмати дўкони, турли маданий-маърифий тадбирларга мўлжалланган 500 ўринли зал — ёшлар ихтиёрида.

Ёшларнинг интеллектуал

салоҳиятини ошириш, уларнинг буш вақтини мазмунли ўтказиш ва фойдали меҳнатга жалб этишга хизмат қиладиган марказда касб-хунар коллежини битирган 32 нафар ўғил-қиз иш билан таъминланди.

Д.

— Замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган цехда буюртма асосида кийим-кечак, элита пардалар тикамиз, — дейди тикувчи Фарида Умарова. — Яқин кунларда цехда яна 6 тикув машинаси ўрнатилади. Шунда «устоз-шогирд» аънаси асосида ишлайдиган ҳамкасбларим сони икки баробар кўпайиб, 24 нафарга етади. Ёшлар марказининг очилиш маросимида Бухоро вилояти ҳокими вазифини бажарувчи М.Эсонов сўзга чиқди.

(ЎЗА)

Мустақиллик майдонидаги мулоқотлар → 4



Ўзбекча саломга японча раҳмат → 3



Навоий шаҳрида «Бахт уйи» фойдаланишга топширилди



«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,  
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Ўзбекистон ОВОЗИ Shu aziz VATAN — barchamizniki!

«Энг муқаддас бойлигимиз — истиқлолимиз!»

танлови ғолиблари тақдирланди

www.uzbekistonovozi.uz

## Қорақалпоғистон Республикаси

БУЮК БУНЁДКОРЛИКЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР  
ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАТУРМУШИМИЗ ЯНАДА ОБОД  
БЎЛМОҚДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган турли давлат дастурларининг амалга оширилиши халқимиз ҳаётига реал таъсир этиб, ҳар бир фуқаронинг ўз умридан рози бўлиб яшашга хизмат қилмоқда. Айниқса, Обод турмуш йили Давлат дастурининг изчил амалга оширилиши юртимиз тараққиётида янги-янги саҳифалар очаяпти.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мазкур дастур ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг олти ойи давомида 411 миллион сўм, 38,1 миллион доллар, 199,9 минг евро миқдорида маблағ йўналтирилди. Бугунги кунда республика аҳолиси 1721,9 мингта ташкил қилса, унинг 989,7 мингта, яъни 57,5 фоизи меҳнатга лаёқатли кишилардир. Шундай экан, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Режага кўра, йил давомида қарийб 50 минг янги иш ўрни яратиш назарда тутилган эди. Ярим йилликда 25423 та янги иш ўрни ташкил этилди.

— Энг муҳими, одамларнинг иш ҳақи, даромадлари ошиб бораётгани, оиласи фаровонлиги таъминлангани, турмушимиз янада обод бўлаётганидир, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Қуват Курбанбаев**. — Амалга оширилаётган бу ислохотлар кишилар ҳаёти даражасини кўтарди, хизмат қилаётганини ҳам кўрсатади. Мисолларга қарайдиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўртача иш ҳақи шу йилнинг июни ойда 733,2 минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 119,2 фоизга ошган. Шунинг ўзи ҳам халқимизнинг ижтимоий ҳимояси йилдан-

йилга кучайиб бораётганини кўрсатади.

**Бизнинг партиямиз Дастурда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, даромадларини ошириш, ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлаш учун шароит яратиб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ўзгаришларга 30 минг нафарга яқин аъзони бирлаштирган партия ташкилотимиз, маҳаллий вакиллик ҳокимиятидаги қарийб 190 нафар депутатимиз ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилмоқда.**

Ҳақиқатдан ҳам, улуғ мақсадларни қўлаб босилган ишлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз натижасини кўрсатмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қишлоқларимиз қиёфаси бутунлай ўзгаришига, обод бўлишига хизмат қилмоқда. Бугун қишлоқ ва овулларимизда одамларнинг ҳаёт тарзини бундан йигирма икки йил аввалгисига билан мутлақ таққослаб, қиёслаб бўлмайди.

2013 йилда Қорақалпоғистоннинг 13 та тумани 18 та масоивада жами 550 та уй-жой қури-



лиши режалаштирилган. Бу уй-жойларда шаҳарлардагидек шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу сабабли уйлар шунчаки қуриб қўйилмасдан, 16,1 км сув, 20,2 км табиий газ қувурлари, 16,1 км электр тармоқлари тортиш, ҳамда 20,4 км йўл қурилиши жадал олиб борилмоқда. Шунингдек, 8 та массивда жами 14 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объекти қурилиши режалаштирилган. 4 та маҳалла гузари, 2 та савдо комплекси, 3 та бозор, 1 та нововойхона, 3 та маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, 1 та минибанк кишиларнинг оғирини енгил, узогини яқин, мушкулни осонлаштишга хизмат қилади.

— Мустақиллик тўғрисида Қорақалпоғистонда рўй берган ўзгаришлар, янгилашниларни сон-саногой йўқ, — дейди **«Қорақалпоғистон тўғрисида» газетаси бош муҳаррири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутати Гулiston Аннақичева**. — Биргина энг чекка ҳудудлар,

олис овулларда ҳам намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурилишини олайлик. Кенг, ёруғ, шинам ва озода, ҳар қандай оила муносиб турмуш кечириши учун барча қулайликларга эга бўлган уйларда яша — элнинг бахти, саодатидир.

Биз Ватан деганда, аввало, ўз уйимизни тушунамиз. Уй-жой масаласи халқимиз учун ҳар доим долзарб бўлиб келган. Энди бир ҳолис баҳо берайлик. Бундан йигирма икки йил олдин қандай аҳволда яшардик, бугун қандай шароитларда ҳаёт кечираёмиз? Бу саволга юртимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳаёти мисолида жавоб бериши мумкин. Шунинг учун ўйлайманки, Президентимизнинг қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш ташаббуси халқимиз ҳаётини бутунлай янги босқичга олиб чиқди. Шу сабабли ҳаётимизнинг ҳар лаҳзаси мазмунли, гўзал ва бунданда улуғвор орзу-ўмидларга тўла.

## БАРҚАРОР ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ



## РАВОН ЙЎЛЛАР

Мамлакатда кишилар ҳаёти даражаси, иқтисодий юксалиши, давлатнинг обрў-эътиборини, юртининг ободлигини кўрсатадиган муҳим омиллардан бири шубҳасиз йўللardир. Истиқлолга эришганимиздан сўнг замонавий йўл қурилишга жуда катта эътибор берилга бошланди. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бу ишлар жадал олиб борилмоқда.

Халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлларида (А-380 «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу» йўлининг тегишли қисмлари) 50,7 миллиард сўмлик иш бажарилиб, 40 км йўл қисми фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, давлат аҳамиятдаги автомобиль йўллари-нинг тўла ва ўрта таъмирлаш ишлари бўйича 2013 йил январь-июнь ойларида 2,3 миллиард сўмлик капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган. Манзилли дастурга киритилган 11 та объектдан 6 та объект бўйича 1 июль ҳолатига 1,7 миллиард сўмлик иш бажарилган ва 5 км йўл қисми фойдаланишга топширилган.

Маҳаллий аҳамиятдаги йўллари таъмирлаш бўйича 1,68 миллиард сўмлик иш бажарилиб, 3 км йўл қисми фойдаланишга топширилган.

Ички ҳўжаликларо автомобиль йўллари-нинг 53,6 км қисмини таъмирлаш ишларида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 5,5 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган бўлиб, 2,7 миллиард сўм ўзлаштирилиб, 17,2 км йўлда таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Энг муҳими, нафақат йўллар текис ва раван бўлиб бораёпти, шу билан бирга, йўл инфратузилмаси ҳам изчил ривожланиётган. 2013 йилда Ўзбекистон миллий автомагистрალი бўйида 4 та йўл инфратузилма объекти қурилиши режалаштирилган. Айни пайтда бу борада ҳам жадал иш олиб борилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кичик бизнес нафақат иқтисодий-иқтисодий ривож, балки ижтимоий масалаларни, жумладан партиямиз электорати муаммоларини ҳам бир вақтнинг ўзида ҳал қилиш борасида катта имкониятлар яратмоқда. Қорақалпоғистонда 2013 йилнинг биринчи ярмида 1296 та кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Умуман, бу соҳани ривожлантириш ҳисобидан 18125 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, амалда 18505 та янги иш жойи вужудга келди. Бугунги кунда воҳода жами иш билан банд бўлганларнинг 72 фоизи ойна кичик бизнесда меҳнат қилади. Бу тармоқнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 47,2 фоизга етди.

Қорақалпоғистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида 2013 йилнинг олти ойида банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 135,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 137 фоизни ташкил қилди.

— Партиямиз аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатини ҳимоя қилар экан, биз бу борада энг аввало мазкур қатлам вакиллари ўзини ўзи ижтимоий муҳофаза қилиши учун шароит яратиш масалаларига катта эътибор қаратаёلمиз, — дейди **ЎзХДП Амударё туман кенгаши раиси Максуд Саъдуллаев**. — Иш топишда қийналиб турган, жиёмоний имконияти чекланган кишилар, кўп болали, кам даромадли оилалар вакиллари, уйда ўтирган аёллар, касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларнинг кўпчилигида бирор-бир иш бошлаш, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришни йўлга

қўйишга интилиш бор. Фақат уларга озгина сармоа керак. Биз турли ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда уларни қўллаб-қувватлаб бораёلمиз.

Масалан, шу йилнинг май ойи охирида тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар иштирокида «Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш» мавзусида ижтимоий-иқтисодий форум ўтказдик. Унда 100 нафарга яқин битирувчи ўз бизнес лойиҳалари билан иштирок этди. Шундан 77 нафар йигит-кизга ҳунармандчилик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис, чорвачилик, паррандачилик соҳаларида ўз фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли микрокредитлар ажратиш бўйича тижорат банкларининг сертификатлари топширилди. Айни пайтда уларнинг кўпчилиги ўз ишини йўлга




## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

Иқтисодий ислохотлар изчиллик билан олиб борилаётгани мамлакатимизда бекиёс ўзгаришлар, юксак марраларни забт этишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам иқтисодий йилдан-йил ўсиб бораёпти. Биргина жорий йилнинг олти ойида саноат моллари ишлаб чиқариш ҳажми 461,2 миллиард сўм, ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,1 фоизни ташкил этди. Ҳудудий тасарруфдаги саноат корхоналари томонидан 97,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2012 йилнинг биринчи олти ойига нисбатан 113,8 фоизни ташкил қилди.

Шу рақамларнинг ўзи бир вақтлар фақат қишлоқ ҳўжалигига иқтисослашган, пахта хомашеси етиштириш асосий мақсад ҳисобланган Қорақалпоғистонда ҳам саноат жадал ривожланиётганининг ёрқин исботидир. Қолаверса, жорий йилнинг яримида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 152,6 миллиард сўм ёки ўсиш суръати 119,5 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажми 266,6 миллиард сўм ёки ўсиш суръати 109,2 фоизни ташкил этди.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳмадиси мажлисида белгиланган берган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2013-2015 йилларда Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур доирасида 2013-2015 йилларда саноат, сервис ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида умумий қиймати 387,2 миллион долларга тенг бўлган жами 3225 та лойиҳа амалга оширилиши ва 13 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган.



## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ҲИМОЯСИ

Минтақада ислохотларни изчил амалга ошириш, уларнинг ижтимоий самардорлигини таъминлашда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгаши, депутатлик тузилмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Партиянинг барча ташаббуслари аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжидан қатлам ҳаёти даражасини кўтариш нўқтани назаридан амалга оширилмоқда.

— Партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда энг самарали йўл вакиллик ҳокимиятининг имкониятларидан, ундаги депутатларимиз ваколатларидан самарали фойдаланишдир, — дейди **Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Қазақбай Жанибеков**. — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесида партиямиздан сайланган 24 нафар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашидаги 165 нафар депутат электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жорий йилнинг олти ойида депутатлик гуруҳларимиз жойларда ЎзХДП сайловолди дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ тарзда 13 та масалани ўрганди. Шундан 4 таси сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди, 9 таси тегишли доимий комиссияларда муҳокама этилиб, сессиялар кун тартибига киритиш учун тавсия қилинди.

Биз кўтарётган масалалар нафақат жойларда партиямиз электорати манфаатини ҳимоя қилиш, балки ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан бево-сита боғлиқ. Шу сабабли депутатлик гуруҳларининг ишларини такомиллаштириш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аниқ вазифаларни ва партия электорати муаммоларини ижобий ҳал этишдаги таъсирини кучайтириш, шунингдек, уларнинг ишлари сифатини ҳам ошириш лозим.

— Сиёсий партияларнинг куч ва салоҳияти кўп жиҳатдан депутатлик гуруҳлари

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесида партиямиздан сайланган 24 нафар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашидаги 165 нафар депутат электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жорий йилнинг олти ойида депутатлик гуруҳларимиз жойларда ЎзХДП сайловолди дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ тарзда 13 та масалани ўрганди. Шундан 4 таси сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди, 9 таси тегишли доимий комиссияларда муҳокама этилиб, сессиялар кун тартибига киритиш учун тавсия қилинди.

Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорининг бажарилиши бўйича Қорақалпоғистон Республикасида 2011-2015 йилларда жами 102 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, уларнинг 45 таси озик-овқат ва 57 таси ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳалардир. Дастур бўйича 2011-2012 йилларда ва 2013 йилнинг январь-июнь ойларида жами 90 та лойиҳа амалга оширилиб, 55,2 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилди. Бунинг натижасида 1174 та янги иш ўрни яратилди.

Амударё туманидаги «Мангит ип-йигирув фабрикаси» базасида Буюк Британиянинг «Welroy Technology LLP» компанияси томонидан масъулият чекланган жамият шаклидаги 8 минг тонна ип-калав ва ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «AMUDARYTEX» хорижий корхонаси ташкил қилинди. Бугунги кунда жами 32,6 миллион евролик ускуналар тўлиқ олиб келинди.

Амударё туманидаги «ASIA SILK» шўба корхонасида лойиҳа қиймати 800 минг долларлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа амалга оширилиши натижасида йилга 1800 тонна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва 50 та янги иш ўрни очилади.

Буларнинг барчаси иқтисодий ислохотлар самараси исботидир. Янги корхоналар нафақат иқтисодий тараққиёт, балки юзлаб янги иш ўринлари очилиши орқали минглаб кишиларнинг турмушига бево-сита таъсир кўрсатади, ҳамюртларимиз гуруҳини оширади, фарҳанг-иқтисодини кучайтиради.

— Партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда энг самарали йўл вакиллик ҳокимиятининг имкониятларидан, ундаги депутатларимиз ваколатларидан самарали фойдаланишдир, — дейди **Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Қазақбай Жанибеков**. — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесида партиямиздан сайланган 24 нафар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашидаги 165 нафар депутат электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жорий йилнинг олти ойида депутатлик гуруҳларимиз жойларда ЎзХДП сайловолди дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ тарзда 13 та масалани ўрганди. Шундан 4 таси сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди, 9 таси тегишли доимий комиссияларда муҳокама этилиб, сессиялар кун тартибига киритиш учун тавсия қилинди.

Бугунги ёруғ кунларга, ютук ва марраларга эришимизнинг энг асосий омилли мамлакатимизда ҳўкм сураётган тинчлик ва осийшталлик, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик, албатта. Бундай юртда одамлар бунёдкорлик, яратувчанлик кайфияти, эзгу орзу умидлар, янада баланд марраларни забт этиш иштиёқи билан яшайди. Бундай юртда тараққиёт, юксал-иш ва фаровонлик бардодом бўлади. Бундай юртда эл чинакам бахт-саодатга эришади.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**  
**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

## ЎЗБЕКЧА САЛОМГА ЯПОНЧА РАҲМАТ



— Э, сиз Ўзбекистонданмисиз? Жуда чиройли, жоннатмакон юрт! Одамлари меҳмондўст, дастурхони тўкин!

Хорижда юрган одам учун юрти, халқи ҳақидаги эътирофдан бошқа ёқимли сўз бўлмаса керак. Япония Халқаро Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан ташкил этилган «Кичик бизнесни ривожлантириш тамойиллари» ўқув курсида қатнашиш учун Японияга йўл олор эканман, жуда қаттиқ ҳаяжонда эдим. Сабаби — Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларига яратилган шарт-шароитлар, хорижлик сармоядорлар учун берилаётган имтиёзлар тўғрисида хорижлик ишбилармонлар, профессор ва талабалар ўртасида инглиз тилида тақдирот қилиш масъулиятини ҳис қилиб тургандим.

Менинг тақдиротим энг охирига қўйилганлиги учун бошқа давлатлардаги қонунчилик имтиёзлари, тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар, экспорт-импорт шартларини тинглаб ўтириб, беихтиёр ўзим тайёрлаган тақдиротдаги рақамлар билан солиштира бошладим. Юртимизда қулай бизнес юритиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар салоҳияти, хорижлик сармоядорлар учун берилган имтиёзлар акс этган рақамлар бошқа давлатларникига қараганда анча юқори эди. Мен «Нотўғри ёзиб қўймадимми?» деган ўй билан, беихтиёр интернети орқали ушбу рақамларни қайтадан текшира бошладим. Йўқ, ҳаммаси тўғри.

«Ассалому алайкум», яъни ўзбекчасига бу сизга ва сизнинг хонадонингизга тинчлик тилаймкан, деб сўз бошладим. Бошқалардан фарқи равишда, ўзбек тилида бошланган саломлашишдан сўнг залда сув қўйгандек жим-житлик пайдо бўлди. Тақдиротда мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнесни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, яратилган имтиёзлар, эркин индустриал зоналар, хорижлик сармоядорлар иштирокида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар, автомобил ишлаб чиқариш заводлари, қишлоқларда қурилатган уй-жойлар тўғрисида батафсил сўзлаб бердим, фотосуратларни кўрсатдим. Яқунда юртимиздан олиб борган миллий қандолатчилик маҳсулотларини тингловчиларга совға сифатида тақдим қилдим.

Тақдирот бошлангандан бери

бошқа иштирокчиларга тинмай саловлар бераётган япониялик профессор соф ўзбек тилида «Катта раҳмат!» деганида бутун зал ўрнидан туриб қарсак чалди. «Мен Ўзбекистонда бўлганман», дея япон тилида давом этиб, Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, бошқа давлатларга ўшамаган, ўзига хос янгиликлар, масалан, ҳар бир йилнинг маълум бир ном билан аталиши, оилавий тадбиркорлик соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, қонун қабул қилинганлиги, бу эса бошқа давлатларга ўрнатиб бўлиши ҳақида тўққинчи гапирди.

Яна бир профессор мен кийиб олган миллий атлас табиий мато эканлиги, шойи ишлаб чиқариш Ўзбекистонда ривожланганлиги тўғрисида, Франциялик талаба эса Самарқанддаги «Шоҳи Зинда» мақбараси ҳақида ўтирганларга маълумот бера кетди. Бошқа профессор мен олиб борган миллий қандолатчилик маҳсулотлари Тошкентнинг эски шаҳар мавзесида тайёрланиши, бу маҳсулотларнинг экологик тоза, кимёвий моддалар қўшилмасдан меъёрига етказилганлиги тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон ҳақидаги тақдиротдан сўнг залда пайдо бўлган жонланган қўриб, журналистлар ҳам кетма-кет суратга ола кетишди.

Мен эса хурсандчилигимдан кўз ёшларимни тўхтата олмай қолдим. Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, ёшларга, тадбиркорликка бўлган эътибор, ҳар йили юртимизда ўтказилаётган халқаро конференциялар, маданият ҳафталиклари тўғрисида хорижликларнинг

тўққинчи гапирдишлари менга бундан 20 йил аввалги ҳолатни эслашга мажбур қилди: 1993-94 йилларда АҚШга «Аксел» дастури орқали 12-синфга ўқишга борганимда, мендан «Ўзбекистонда телевизор борми?», «Сизлар ҳам машиналарда юрасизларми?», «Ўзбекистон қаерда жойлашган?» дея сўрашганда, жуда қаттиқ ўқингандим: «Нега менинг юртимни ҳеч ким билмайди?»

Мана, орадан 20 йил ўтгач, хорижликлар нафақат Ўзбекистон деган юртни таниши, балки Самарқанддаги «Шоҳи Зинда» мақбараси тарихию, Тошкентнинг «Эски шаҳар» мавзесида тайёрланган маҳсулотларга қараб билишган, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни бошқа давлатларга ўрнатиб бўлиши ҳақида тўққинчи гапирди.

Бутун дунё мамлакатимизда амалга оширилган ишларнинг салоҳиятини тан олаётгани, ЎЗБЕКИСТОН таниётганини кўриш мени мустақиллигимизни янада қадрлашга ўргатди.

Гуруҳ раҳбари «Ким мактаб ўқувчилари учун ўз миллий ўйинлари, рақсларини кўрсатиб бера олади?» дея сўради. Гуруҳимиздан фақат мен хоразмча рақс ва миллий ўйинимиз — «Оқ теракми, кўк теракми» мактаб ўқувчиларига кўрсатиб беришга тайёргарлик кўрайдиган бўлдим. Интернет орқали «Хоразм лазгиси»нинг энг чиройли ижросини топдим.

Мактабга кириб борар эканмиз, у ерда йил якуни бўйича фестивал бўлаётганининг шохиди бўлди. Мен юқори синф ўқувчиларидан иборат кичкина гуруҳ тузиб, уларга рақс ҳаракатларини ўргата бошладим. Қисқа тайёргарликдан сўнг мактаб ҳолисида «Лазги» баралла янграй бошлади. Япон ўқувчиларининг ўзбекча рақс тушаётгани нафақат мени, балки гуруҳимиздаги бошқа давлат вакиллари ҳам ҳаяжонга

солди. Айниқса, уларнинг бир-бирлари билан таллашиб суратга тушишларини кўриш мароқли эди. Ўзбек миллий ўйини бўлган — «Оқ теракми, кўк теракми» япон тилида айтиб ўйнаш, нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар, ота-оналар учун ҳам қизиқ туюлиб уларнинг биз билан ўйнашларига сабаб бўлди. Тадбир якунида мактаб директори ўзбекларнинг рақси, ўйини орқали халқимизнинг чакчон, қувноқ, тадбирли, ўқувчи эканлигини кашф қилганини таъкидлаб, Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ортганлигини, келгуси йилда япон ўқувчилари билан Ўзбекистонга сафар қилиш истаги борлигини билдирди.

Мазкур япон мақоли «Кўчатни эксанг 10 йил ҳосил олсан, мустақиллигини «эксанг» — ўқитсанг 100 йил натижасини кўрасан» деган маънони англатади.

Ўқув курси давомида мен бу мақоланинг аҳамияти қанчалик катта эканлигини чуқур ангаддим. Айниқса, Хиросима шаҳрида жойлашган Кичик ва ўрта бизнес университетида борганимизда, мазкур университет ўз корхонаси, ташкилоти келажиги учун масъул бўлган раҳбар кадрларни тайёрлашга, ўқитишга катта эътибор қаратаётганлиги, катта маблағ, куч сарфлаётганлигига ғувоҳ бўлдим.

Ўқув дастурлари мавзуси хилма-хил эканлигига қарамадан, асосий мақсад ўзи ишлаётган ташкилотнинг муаммосини шахсий муаммосидек қабул қиладиган, корхонаси учун жонини фидо



қилишга тайёр бўлган, мустақил фикрлайдиган ходимларни етиштириш экан. Мустақил фикрлайдиган ходим ким? Агар бундай ходим «яратиш»ни уч босқичли жараён сифатида кўрадиган бўлса, биринчи босқичда қилиниш керак бўлган ишларни амалга ошириш, шу жумладан, пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни кўра билиш қобилиятига эга; иккинчи босқичда турли нуқтаи назарлар, фикрларни таҳ-

лил қилиш ва энг маъқулини танлашга қодир; учинчи босқичда мазкур таҳлилларни амалда қўллаш ва натижаларини баҳолаш қобилиятига эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни тушуниш мумкин.

Шу мақсад йўлида университет бир вақтнинг ўзида ўнлаб мавзуларда ўқув курсларини ташкил этади, чекка вилоятлардан келган корхона вакиллари йўл-йўл билан таъминлайди, ҳар бир корхонада мавжуд бўлган муаммоларни уч босқичда таҳлил қилиш ва ҳал этишда амалий кўмак беради. Иштирокчиларга «Мустақил ходим» бўлишда амалий ёрдам бериш ва улар ўртасида ўзаро тараққиётни ривожлантириш мақсадида гуруҳларга муҳокамаларга, интерактив баҳс-мунозараларга кенг аҳамият берилган. Шу билан бирга, Япония иқтисодий-тига катта ҳисса қўшаётган, катта ҳаётий ва иш таърибасига эга бўлган корхоналар раҳбарлари, ўз ишининг устаси ҳисобланган тадбиркорларни мазкур ўқув курсларига эксперт, тренер, ўқитувчи сифатида жалб этиш орқали университетнинг таълим даражаси, ўқув сифати кўтарилган.

Университетда амалга оширилаётган ишлар, кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос услублари, натижаларидан шу даражада таъсирчанлиги, менинг Ўзбекистонда амалга оширишни зарур бўлган лойиҳам мавзуси ҳам «Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари учун университет ташкил этишининг намунавий лойиҳаси» бўлди. Мухими, мазкур лойиҳа Хиросима университети профессорлари томонидан юқори баҳоланган.

Профессор Кеничи Нохара Японияда бу университетлар 1957 йилда очилганлиги, 56 йил давомида бутун Япония бўйлаб 9 та университет фаолият кўрсатаётганлигига қарамадан, мазкур даргоҳларда фақат Японияда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ўқишга ётганлигини маълум қиларкан, ҳали Ўзбекистонга нафақат Япониядан, балки бутун дунёдан тадбиркорлар келиб, Ўзбекистон таърибасини ўрганишларига, мамлакатда тадбиркорлик субъектлари учун Халқаро Университет очилишига ишонч билдириб, «Мени ҳам халқаро эксперт сифатида дарс беришга тақдир қилиш эсингиздан чиқмасин» дея қўшиб қўйди. Қувонарлики, бу тўғрисида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига хат ҳам ёзиб юборди.

Динфоза АБУЛҲАСАН,  
Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси эксперти.

## Ҳуқуқий ислоҳот

## Судларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳалар қаторида суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Судларнинг чинакам мустақиллиги ва суд идораларининг самарали фаолият юритишини таъминлашга доир бир қатор ташкилий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётда жорий қилинди.

Жумладан, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Суд департаменти органлари суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишидан ташқари, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш, судлар бинолари қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган капитал маблағларини самарали ўзлаштириш ҳамда судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифалари юклатилди.

Суд департаменти томонидан Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасидан 2001-2012 йиллар давомида умумий юридик судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида, судларни автотранспорт, компьютер, мебель, оргтехника ва бошқа жиҳозлар билан таъминлашга 13 млрд. 723 млн. сўм, янги биноларнинг қурилиши ва мавжудларини капитал ҳамда жорий таъмирлаш учун 48 млрд. 816,4 млн. сўм сарфланди. Шунингдек, Суд департаменти тизимини автотранспорт, ком-

пьютер, мебель, оргтехника ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида 8 млрд. 057,8 млн. сўм, янги биноларнинг қурилиши ва мавжудларини капитал ҳамда жорий таъмирлаш учун 17 млрд. 686,4 млн. сўмдан ортиқ маблағ ишлатилди.

Шундан умумюрисдикция судларининг 228 та маъмурий бинолари капитал ва жорий таъмирдан чиқарилиб, 20 та янги маъмурий бино ва 15 дан ортиқ милиция назорат пости қуриб фойдаланишга топширилди. Суд департаменти тизимининг 89 та маъмурий бинолари эса капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди, 18 та маъмурий бино қурилди. 8 та маъмурий бино ва 6 та хизмат уйи сотиб олинди. Президентининг 2012 йил 2 августдаги Фармонида асосан, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва туман (шаҳар) судлари судьяларининг олийк иш ҳақи ягона тариф разрядлари 2 разрядга оширилди ҳамда судьяларга махсус шароити бўйича 50 фоизлик устамалар жорий қилинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги қарори билан судьяларга уй-жойни ижарага

олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги ва судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги Низомлар тасдиқланди. Уй-жойларни ижарага олганлик ҳақида шартноманинг нотариал идораларда тасдиқланган нусхаси ҳудудий бошқармаларга тақдим қилинганда, судьяларга ҳар ойда пул компенсацияси тўлаш ва имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш жорий қилинди.

Бундан ташқари, 2013 йил 1 январдан бошлаб биринчи тоифадаги туман (шаҳар) бўлимлари суд ижрочилиқларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тариф разряди 2 тариф разрядига, иккинчи тоифадаги бўлимларда 1 тариф разрядига оширилди. Шу билан бирга, давлатга ундирув микдори кўп бўлган суд ижрочилиқига ҳар ойда устама тўлаш белгиланган бўлди.

Буларнинг барчаси суд мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, судьяларнинг моддий жиҳатдан рағбатлантиришга хизмат қилди.

Баҳодир ЮСУПОВ,  
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ўринбосари.

## Хориж



## Иқлим ўзгаришлари

Гренландияни яшил ўлкага айлантириш мумкин

Даниядаги Орхусс университетининг Йенс-Кристиан Свеннинг бошчилигидаги мутахассислари Гренландиядаги иқлим ўзгаришлари ва бу жараённинг табиатга таъсирини бир неча йиллардан бери кузатиб, тадқиқ қилиб, шундай ҳулосага келдиларки, агар қилим ўзгаришлари бугунги даражада давом этса, 2100 йилга бориб Гренландия бутунлай яшил ўлкага айланиши мумкин экан.

Мутахассислар ўз тадқиқотлари натижаларини «Philosophical Transactions of the Royal Society B» журналида эълон қилдилар.


Мақолада қайд этилишича, Гренландия жанубидаги музликлар билан қопланган майдонларда ҳозирнинг ўзида 4 турдаги дарахтлар ўса бошлаган. 2100 йилга бориб эса Шимоллий Америка ва Европадаги дарахт ва буталар Гренландияда ҳам ўсиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳозирнинг ўзида Гренландия оролининг айрим ҳудудларида Сибир тилоғочи (иғнабарғилларга мансуб дарахт), балзам тераги ва Канада арчасини учратиш мумкин.

Орол жанубидан бошланган яшил «никоб» 2100 йилга бориб, орол ҳудудини тўлиқ эгаллаши ҳақиқатга яқин.

## Молиялаш

вақтинча тўхтатилди

Маблағ етишмаётганлиги сабабли Американинг «Orion» номли янги космик кемаси яратилишини молиялаш масаласи вақтинча тўхтатилди.



АҚШнинг аэроавтика ва космик кенгликлари тадқиқ қилиш миллий бошқармаси — «NASA»дан олинган маълумотларга асосланиб, «Space News» ихтисослашган хафтаномаси бу ҳақда ахборот чоп этди.

Худди ташлардек кўп марта парвоз қилишга мўлжалланган ушбу янги космик кеманинг автомат тарздаги таъриб-синув парвози бу йил амалга оширилиши лозим эди, аммо энди бу тадбир кейинги йилга қолдирилди. Парвозга қўтарилиш олдидан юзага келадиган авария ҳолатида двигатель ишлашини автоматик тўхтатиш тизимини тестдан ўтказиш эса 2015 йилдан 2019 йилга қолдирилди. Шунингдек, космик кеманида экипажнинг ҳаёт тарзини таъминловчи тизим устидаги ишлар ҳам вақтинча тўхтатилди.

«Orion» номли янги космик

кемани тўлиқ қуриб битказиш учун умумий ҳисобда 6,1 миллиард доллар маблағ кераклиги шартномада қайд этилган бўлса-да, аммо бу маблағ камлик қиларкан. Шу боис яна қўшимча молиялаш юзасидан шартнома имзолашга тўри келмоқда.

Маълумотларга қараганда, «Orion» космик кемаси қурилишини «Lockheed Martin» корпорацияси, уни керакли манзила элтувчи оғир кул кемасини эса «Boeing» компанияси зиммасига олган.

Эслатиб ўтамиз: АҚШнинг космос парвози амалга оширилиши лозим эди, аммо энди бу тадбир кейинги йилга қолдирилди. Парвозга қўтарилиш олдидан юзага келадиган авария ҳолатида двигатель ишлашини автоматик тўхтатиш тизимини тестдан ўтказиш эса 2015 йилдан 2019 йилга қолдирилди. Шунингдек, космик кеманида экипажнинг ҳаёт тарзини таъминловчи тизим устидаги ишлар ҳам вақтинча тўхтатилди.

## Термоядро синтези

500 мегаватт энергия беради

Дунёдаги биринчи термоядро экспериментал реактори (ИТЭР) қурилишининг халқаро лойиҳаси бош директори Осам Мотожим журналистларга берган интервюсида баён қилишича, 2027 йилга бориб денгиз суварлидаги дейтерий ва тритийларни (водороднинг радиоактив изотопи: термоядровий реакциялар учун ишлатилади) қайта ишлаш эвазига бир тонна денгиз сувида 500 мегаваттга тенг энергия олинади.



Таъкидлаш жоизки, ИТЭР Францияда қурилиши бошланган дунёдаги биринчи халқаро термоядро экспериментал реакторидир. Унинг қурилиши Европа Иттифоқи, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Корея Республикаси, Россия ва АҚШ ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Реактор

2020-2021 йилларда қуриб битказилади. «Новости» ахборот агентлиги маълум қилишича, термоядро реактори битмас-туганмас энергия манбаи, чунки у қайта ишлайдиган дейтерий ва тритий денгиз суварлида мўл-қўл. Бундан ташқари, уни қайта ишлаш нефти қайта ишлашга қараганда арзон ва хавфсиздир. Бу реакторларда «Фукусима» ёки «Чернобил» ҳалокати сингари фожиалар юз бермади. Негаки, дейтерий ва тритий синтезида уран иштирок этмайди.

## 123 ёшли қария

тоғқишлоқда умргузаронлик қилмоқда

Боливия билан Перу чегарасидаги Анд тоғининг 4 минг метр баландлигида жойлашган Фраския қишлоғида сайёрамизнинг энг қарияси яшаётгани аниқланди, дея хабар беради «АР» ахборот агентлиги.

Аймар уруғидан бўлиши Кармело Флорес Лаура 123 ёшда бўлиб, хануз пода боқди, кўп пилда юради.

Боливия фуқаролик ҳолати далолатномаларини яши идораси рўйхатида қайд этилишича, қария Флорес Лаура 1890 йил 16 июлда туғилган. Бироқ бу ёзув ишончли манбага асосланганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд эмас. Негаки, Боливияда 1940 йилдан кейингина фуқароларга туғилганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжатлар берили бошланган. 1940 йилгача эса католик руҳонийлар туғилиш қайдномаларини ёзиб боришган.

Оқсоқолнинг уч нафар фарзанди бор. Иккиси умрини яшаб вафот этган. 40 нафар невараси ва 19 нафар

чевараси бор. Қария бирор марта бўлсин қишлоқидан четга чиқмаган. Ҳассас ва кўзойнакдан фойдаланмайди. Аммо бир қулоғи яхши эшитмайди.

Агар унинг ёши расмий тасдиқланса, сайёрамиздаги энг ёши улуг қария сифатида «Гиннеснинг рекордлар китоби»га номи тиркалган, 122 йил яшаган, Франциялик Жанна Калман (1875-1997) рекордини янгилайди. Айни пайтда умргузаронлик қилаётган сайёрамизнинг энг ёши улуг қарияси япониялик Мисао Окава бўлиб, у ҳозир 115 ёшда ва шу боис «Гиннеснинг рекордлар китоби»га номи тиркалган. Демак, Флорес Лаура уни ҳам ортда қолдирган ҳисобга эанади.



## Навоий шаҳрида «Бахт уйи» фойдаланишга топширилди

— 2012 йилни «Мустаҳкам оила», жорий йилни эса «Обод турмуш йили» деб номланишида чуқур маъно, катта ҳикмат бор, — дейди «Бахт уйи» мудириси Манзура Қўлдошева. — Чунки оилага эътибор, жамиятга эътибордир. Мазкур қосҳонанинг қад ростлаши ҳам ҳаётнинг оила деб аталмиш муқаддас даргоҳига қадам қўяётган ёшларимиз учун ҳақиқий байрам тўҳфаси бўлди.

«Бахт уйи»нинг очилиш шодиёналарига Жамшидхон ва Муқаддасхон, Хушидхон ва Шахлохон Назаровларнинг никоҳ тўйлари улашиб кетди. Меъморчилик ёчимлари миллий қадриятлар, анъаналар билан уйғунлашган мазкур қосҳона «Темур Малик» масъулияти чекланган жамият қурувчилари томонидан барпо этилди.

Илҳом САТТОРОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

